

*Норасмий таржима!*

**"ЎЗБЕКЕКСПЕРТИЗА" АЖ  
АХБОРОТ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА  
НИЗОМ**

## **МУНДАРИЖА**

I. Умумий Қоидалар

II. Ахборот сиёсатининг асосий тамойиллари

III. Қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий ошкор етилиши лозим бўлган маълумотлар рўйхати, муддатлари ва уни ошкор қилиш тартиби

IV. Қўшимча маълумотларни ошкор қилиш рўйхати ва тартиби

V. Бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслар, "Ўзбекекспертиза" АЖ ходимлари ва манфаатдор шахслар ўртасида ахборот алмашиш тартиби

VI. Жамиятнинг ахборот сиёсатига риоя етилиши устидан назоратни таъминлаш чоралари

VII. Яқуний қоидалар

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур Ахборот сиёсати тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сонли «Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2013 йил 31 декабрдаги 355-сонли «Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологиялари ривожланишини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари (2012 йил 31 июл, 2383-сон) ҳамда 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли баённома билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ушбу Низом мажбурий ошкор қилиниши лозим бўлган ахборот ва ҳужжатлар рўйхатини белгилайди, шунингдек уларни «Ўзбекэкспертиза» АЖ (кейинги ўринларда — Жамият) томонидан тақдим этиш тартиби ва муддатларини тартибга солади.

2. Ахборот сиёсатининг мақсади — акциядорлар, инвесторлар, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва бошқа манфаатдор шахсларнинг (кейинги ўринларда — манфаатдор шахслар) Жамият ва унинг фаолияти ҳақида ишончли ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш орқали Жамият фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашдан иборат.

3. Ахборот сиёсати манфаатдор шахсларнинг Жамият ва унинг фаолияти ҳақида инвестиция ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун муҳим бўлган ишончли ахборот олиш ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишга, шунингдек Жамиятнинг махфий ахборотини ҳимоя қилишга қаратилган.

4. Ахборотни тижорат сирига киритиш, уни аниқлаш ва унга кириш шартлари Жамият томонидан «Тижорат сирини тўғрисида»ги Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

## **II. АХБОРОТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

5. Ахборот сиёсатининг асосий тамойиллари: мунтазамлик, тезкорлик, очиқлик, тўлиқлик, тенг ҳуқуқлилик, мувозанатлилик ва ахборот ресурсларини ҳимоя қилишдан иборат.
6. Мунтазамлик тамойили Жамият томонидан манфаатдор шахсларга ўз фаолияти ҳақида доимий равишда ахборот тақдим этилишини назарда тутди.
7. Тезкорлик тамойили Жамият манфаатдор шахсларни Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатувчи ва улар манфаатларига дахлдор бўлган муҳим воқеалар ва фактлар ҳақида қисқа муддатларда хабардор қилишини аниқлатади.

8. Ахборотнинг очиклиги тамойили Жамият томонидан ахборотни тарқатиш каналлари ва усулларида фойдаланиш орқали манфаатдор шахсларга ошкор этиладиган ахборотга эркин, ортиқча тўсиқларсиз ва тенг кириш имконияти яратилишини англатади.
9. Тўлиқлик тамойили Жамият томонидан барча манфаатдор шахсларга ҳаққоний ахборот тақдим этилишини, шу жумладан салбий ахборотни ҳам яширмасдан, Жамият фаолияти ва унинг натижалари ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини берувчи ҳажмда тақдим этилишини назарда тутди.
10. Тенг ҳуқуқлилиқ тамойили Жамият томонидан барча манфаатдор шахсларга ахборот олиш ва унга киришда тенг ҳуқуқлар таъминланишини англатади.
11. Мувозанатлилиқ тамойили Жамиятнинг очиклиги ва шаффофлиги билан унинг тижорат манфаатларини ҳимоя қилиш ўртасида оқилона мувозанатни таъминлашни назарда тутди.

Бунда қуйидагилар мажбурий ҳисобланади:

- махфий ахборотни ҳимоя қилиш;
  - инсайдер ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш.
12. Ҳимоя тамойили қонунчиликда рухсат этилган усул ва воситалардан фойдаланган ҳолда махфий ахборотни ҳимоя қилишни назарда тутди.

### **III. МАЖБУРИЙ ОШКОР ЭТИЛАДИГАН АХБОРОТЛАР РЎЙХАТИ, МУДДАТЛАРИ ВА ТАРТИБИ**

13. Жамият мажбурий ошкор қилиниши лозим бўлган ахборотларни Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган ҳажм, муддат ва тартибда ошкор этади.
14. Ахборот қуйидаги манбалар орқали ошкор қилинади:
  - Корпоратив ахборот ягона порталида;
  - фонд биржасининг расмий веб-сайтида ([www.uzse.uz](http://www.uzse.uz));
  - Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида;
  - оммавий ахборот воситаларида.
15. Қуйидаги ҳужжатлар мажбурий ошкор қилинади:
  - қимматли қоғозлар эмиссияси проспекти;
  - Жамиятнинг йиллик ҳисоботи (шу жумладан МХҲС асосида);
  - чораклик ва ярим йиллик ҳисоботлар;
  - муҳим фактлар тўғрисида хабарлар.
16. Агар Жамият қимматли қоғозлари биржа рўйхатига киритилган бўлса, тегишли талабларга мувофиқ ахборот ошкор қилинади.
17. Жамият расмий веб-сайтга ([www.expertiza.uz](http://www.expertiza.uz)) эга ва унда қонунчиликда белгиланган ахборотларни жойлаштиради.

18. ОАВда қуйидаги ахборотлар эълон қилинади:

- акциядорлар умумий йиғилиши ҳақида хабар;
- манзил ўзгариши ҳақида хабар;
- акцияларни қайта сотиб олиш ҳақида маълумот;
- Жамиятни тугатиш ҳақида маълумот.

#### **IV. ҚЎШИМЧА АХБОРОТЛАРНИ ОШКОР ЭТИШ**

19. Жамият ўз веб-сайтини турли тилларда юритади.

20. Қуйидаги ахборотлар қўшимча равишда ошкор қилинади:

- Корпоратив бошқарув кодексига риоя этиш;
- ижро органи ҳақида маълумот;
- самарадорлик баҳоси;
- 20%дан ортиқ акциядорлар;
- дивиденд сиёсати;
- инвестиция режалари;
- акциялар котировкалари;
- капитал қиймати;
- хайрия ва беғараз ёрдам.

21. Мукофотлар ҳақидаги маълумотлар умумий йиғилишда ошкор қилинади.

22. Ахборот бошқа манбаларда ҳам ошкор қилинади.

#### **V. «ЎЗБЕКЭКСПЕРТИЗА» АЖ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ АЪЗОЛАРИ, МАНСАБДОР ШАХСЛАРИ, ХОДИМЛАРИ ВА МАНФААТДОР ШАХСЛАР ЎРТАСИДА АХБОРОТ АЛМАШИШ ТАРТИБИ**

23. «Ўзбекэкспертиза» АЖ бошқарув органи аъзолари, мансабдор шахслари, ходимлари ва манфаатдор шахслар ўртасида ахборот алмашишни амалга ошириш учун Жамият томонидан масъул ходим тайинланади ва ахборот алмашиш мазкур ходим орқали амалга оширилади.

24. Манфаатдор шахсларнинг мазкур Низомда назарда тутилган ахборотни тақдим этиш тўғрисидаги ёзма (электрон) мурожаатига кўра, Жамиятнинг масъул ходими қонунчиликда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, бир ҳафта ичида барча зарур ахборотни электрон шаклда тақдим этади.

25. Хужжатлар нусхаларини тақдим этиш зарур бўлган тақдирда, манфаатдор шахс хужжатлар нусхаларини тайёрлаш ва уларни почта орқали юбориш билан боғлиқ харажатлардан ортиқ бўлмаган миқдорда тўловни амалга оширади.

26. Акциядорлар Жамият ёки унинг фаолиятига оид хизмат, тижорат ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни ошкор қилиш ҳуқуқига эга эмас.

## **VI. ЖАМИЯТ АХБОРОТ СИЁСАТИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИ**

27. Мазкур Низомда назарда тутилган ахборотни ошкор этиш ва Жамият ҳақида оммавий ахборот воситаларида ахборотни эълон қилиш учун Жамиятнинг корпоратив котиби (мавжуд бўлганда) ёки акциядорлар билан корпоратив муносабатлар ва иқтисодий таҳлил бошқармасининг масъул ходими, бухгалтер, шунингдек бундай ваколат берилган бошқа шахслар жавобгар ҳисобланади. Ижро этувчи орган раҳбари ва унинг ўринбосарларидан ташқари бошқа шахслар Жамият номидан чиқиш ҳуқуқига эга эмас.
28. Ахборотни тўлиқ, ишончли ва ўз вақтида ошкор этиш учун жавобгарлик Жамият ижро этувчи органи раҳбари зиммасига юкланади.
29. Жамият Кузатув кенгаши ҳар чоракда ижро этувчи органнинг мазкур Низом талабларини бажариш бўйича ҳисоботини эшитади.

## **VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

30. Мазкур Низомга мувофиқ ошкор этиладиган ахборотни ташкил этиш, унинг ҳолати ва ишончилиги учун жавобгарлик Жамият ижро этувчи органи зиммасига юкланади. Ахборотни ўз вақтида, сифатли, ишончли ва тўлиқ ошкор этиш ижро этувчи орган фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ҳамда унга мукофот (бонус) тўлаш шарти ҳисобланади.
31. Мазкур Низом талабларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.
32. Мазкур Низом Жамият Кузатув кенгашининг мажлисда иштирок этган ёки сиртдан овоз беришда қатнашган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарори асосида тасдиқланади.
33. Мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият Кузатув кенгашининг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорига асосан киритилади.
34. Агар мазкур Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият Уставига зид келса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар мазкур масалалар бўйича амалдаги қонунчилик ва/ёки Жамият Устави нормаларига амал қилинади.